НОИНФЕКЦИОН КАСАЛЛИКЛАРДА БИОҚЎШИМЧАЛАРНИНГ РОЛИ

Исаков С.Р.,
Исақова Н.Р.
Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Юртимизда ҳозирда озиқ овқат хавфсизлиги борасида жуда улкан ишлар қилинмоқда. Бунга биргина мисол: Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг инсонпарварлиги ва жонкуярлиги сабабли 2018-йил 16-январ куни “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади. Бу фармонга кўра бозорларимизда қандай озиқ-овқатга талаб кучли бўлса шу махсулотларни ҳеч қандай божхона тўловисиз олиб келишга рухсат этилди.

Ҳозирги кунда аҳоли сонинг ортиб бориши, аҳолининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган талаб ортгани сайин, озиқ-овқат махсулотларини узоқ вақт, сифатли сақлаш ва овқатдан захарланишларни олдини олишдек масала ётади.

Статистик маълумотларга қараганда жуда кўп ўлим ҳолатлари зотилжам, ичбуруғ, қизамиқ, ботулизм, безгак каби касалликлар туфайли рўй берамоқда. Бунинг сабаби кам даромадли мамлакатларда 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 49% қониқарсиз озиқланиш юз бермоқда. Жаҳонда ҳар йили 11 миллионга яқин бола, яъни ҳар минутда 20 та ёки ҳар куни 30 минг бола беш ёшга етмасдан нобуд бўлади. Улардан 4 миллионга яқини ҳаётининг дастлабки 28 кунида дунёдан ўтади. Ўлим билан боғлиқ ҳолатнинг асосий кўпчилиги паст ва ўрта даромадли мамлакатлар, асосан, Саҳрои Кабирдан жанубда ва Жанубий Осиёда жойлашган мамлакатларга тўғри келади. Ота-оналар ўз болаларини зарур даражада парваришлаш имконига эга бўлмаганликлари учун камбағаллик мамлакатларда жуда кўплаб чақалоқлар ва гўдаклар нобуд бўлишмоқда.Ота-оналарнинг ҳеч бўлмаганда улардан бирортаси балоғат ёшига етади, деб умид қилишлари натижасида бундай оилаларда одатда болалар кўп бўлишади. Бу эса, ўз навбатида, оила кам маблағ ҳисобига кўпчилик учун озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олиши, турар жой, ўқиш ва тиббий хизмат учун хақ тўлаб яшашига тўғри келади, деганидир. Жаҳонда ҳар 7 дақиқада бир бола очлик ёки у билан боғлиқ сабаблар туфайли нобуд бўлади.Беш ёшгача бўлган барча болаларнинг учдан бир қисми тўйиб овқатланмасликдан азоб чекади. Ҳар йили 5 ёшгача бўлган болаларнинг 6 миллиондан ортиғи тўйиб овқат емасликдан нобуд бўлмоқда. Одамлар чиройли ва сифатли махсулотларга кўпроқ қизиқишларини ҳисобга оладиган бўлсак ўз ўзидан озиқ-овқат қўшимчаларига ишимиз тушади.

Биз эътиборимизни озиқ-овқат махсулотларини сақлашда қўшиладиган қўшимчаларга қаратдик. Қўшимчаларнинг тузилиши ва инсон организмига таъсири хоссаларидан фойдаланиб бир неча гуруҳларга бўлдик. Саратон касаллигини келтириб чиқарувчи, тери касллигини келтириб чиқарувчи, хавфли ва хавфсиз гуруҳларга бўлдик. Саратон касллигини келтириб чиқарувчилар натрий бензоат, калий бензоат, калций бензоат, бензой кислота, нитрит калий, нитрат калий, формалдегид ва бошқалар. Бу моддаларнинг кўпчилигида бензолҳалқа борлиги кимёдан бизга маълум. Бензол ҳалқани бузиш ўта қийинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсон организми буни бажара олмайди. Сўнгра бу моддалар организмнинг муълум бир қисмига бориб тўпланиб қолади ва ўша ерда ўсимтани ҳосил қилади. Буни эса жаррохликсиз ҳеч қандай чораси ҳозиргача топилмаган. Бу билан ҳаммаси ҳам хавфли эмас, хавфсизлари ҳам бор. Хавфсизларига: сорбат (калий, калций), сулфит (натрий, калий, калций), фармиат (натрий, калций), низин, атсетат (натрий, калий, калций, аммоний). Буларнинг инсон саломатлигига салбий таъсири йўқ. Аксинча инсон учун зарур бўлган тузлар ҳосил қилишда фойдаси катта.

https://wordlyknowledge.uz

Хулоса: Озиқ-овқат қўшимчалари кимёвий синтез ёки озиқ-овқат сифатини яхшилаш учун ишлатиладиган табиий моддалар, озиқ-овқат махсулотларини сақлаш муддатини узайтиради, озиқ-овқат махсулотларини қайта ишлашни энгиллаштиради ва озуқавий озиқ моддаларини кўпайтиришга ёрдам беради.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Isaqova, N.R. (2023). Influence of constipation on anthropometric indicators of children. *Science and Innovation*, Volume 1, Issue 8, pp. 888-892.
2. Isakova,N.R. (2021). The effect of constipation due to diseases of the colon on the anthropometric parameters of children. *Asian journal of multidimensional research,* Volume:10, Issue 5, pp. 666-669.
3. ANTHROPOMETRIC INDICATORS OF CHILDREN
   IN Raxmatjonovna
   Scientific Impulse 1 (5), 883-887
4. BOLALARNING ANTROPOMETRIK KO'RSATKICHLARINI TURLI OMILLARGA BOG'LIQLIGI
   N Isaqova
   Science and innovation 1 (D8), 1000-1003
5. ВЛИЯНИЕ ЗАПОРА НА АНТРОПОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ДЕТЕЙ ПРИ ЗАБОЛЕВАНИЯХ ТОЛСТОГО КИШЕЧНИКА
   ИН Рахматжоновна
   тиббиётда янги кун 2 (34), 85-87
6. ВОЗМОЖНЫЕ ПУТИ КОРРЕКЦИИ СЕКРЕТОРНОЙ ФУНКЦИИ ПОДЖЕЛУДОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ЕЁ ПРОТОКОВОЙ СИСТЕМЫ
   НР Исакова, Ж Юнусов, АГ Худоярова
   НЕДЕЛЯ НАУКИ-2017, 489-491

WORDLY
KNOWLEDGE

https://wordlyknowledge.uz